



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 6 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (12.714)

Баҳоси эркин нарҳда

ЛИ УК ХЁН:

«СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ»

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва муштарақ интилишлар самарасида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги олди-дан ЎЗА муҳбири **Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва муҳтор элчиси Ли Ук ХЁН** билан суҳбатлади.

— **Жаноб элчи, суҳбатимиз Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида турли жабҳалар, жумладан, иқтисодий соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни қандай баҳолайсиз?**

— Европа ва Осиё ўртасида муҳим боғловчи бўлган Ўзбекистон улкан салоҳият, юқори малакали кадрлар, ишлаб чиқариш қувватлари ва бой табиий ресурсларга эга давлатдир.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар самарасида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ўсмоқда.

Юқори технологияларга асосланган саноат ишлаб чиқариши ривожланаётгани, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми ортиб бораётгани, ишбилармонлик муҳити такомиллаштирилаётгани, «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» иқтисодий индустриал зоналарининг ташкил этилгани бу борадаги улкан ютуқлардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож самарасида янги иш ўринларини яратиш ва ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон раҳбариятининг тараққиёт йўлидаги барча саъй-ҳаракатлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирига мувофиқ экани эътиборга моликдир. Масалан, «Электрон ҳукумат»нинг ташкил этилиши ва ривожланиши натижасида хусусий секторга кенг қўлайликлар яратилмоқда. Бу улкан йўл-фаолиятнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлаётди.

Бундан ташқари, Президент Ислам Каримовнинг ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасидаги ташаббусига мувофиқ лицензия олиш жараёни соддалаштирилди, имтиёзлар рўйхати кенгайтирилди, тадбиркорларнинг шикоят ва муносабатларини қўриб чиқиш тезкорлиги ва самарадорлиги ортди. Бу, шубҳасиз, бизнес муҳитининг янада қўлай бўлишига хизмат қилмоқда ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини оширмоқда.

Жаҳон молиявий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамадан, кейинги 9 йил давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмаганди келмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакат иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра орди. Ушбу муваффақиятлар халқро ҳамжамият томонидан эътиборга этилган ва менимча, Ўзбекистонда бу ислохотларнинг изчил давом эттирилиши иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва фаровонлигини ошириш борасидаги тўғри йўлдир.

— **Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболини қандай баҳолайсиз? Сизнингча, бу борада**

қайси йўналишлар устувор ҳисобланади?

— Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан, 1992 йилнинг январидида мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Икки томонлама алоқалар аввалбошданок ўзаро манфаатдорлик, яқин шериклик хусусиятига эга бўлди. 2006 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар «стратегик шериклик» даражасига кўтарилди. Мамлакатларимиз сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларда ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорлик тамойилларига асосланган ҳолда истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Иқтисодиётнинг автомобилсозлик, тўқимачилик саноати, молия ва бошқа асосий соҳаларида ҳамкорлик йўлга қўйилгани билан фахрланамиз. Хусусан, бугунги кунда Жанубий Корея компаниялари консорциуми «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компанияси билан ҳамкорликда Сурғил кени базисда газ-кимё мажмуасини барпо этиш бўйича ноёб лойиҳани муваффақиятли амалга оширмоқда. Бу Ўзбекистон табиий газининг қўшимча қиймати ошириш имконини беради ва истиқболда икки томонлама муносабатларда янада улкан ютуқларга эришишга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буюн олий даражада 13 ташриф амалга оширилди. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ шу йилнинг июнь ойида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи навбатда айнан Ўзбекистонга ташриф буюргани Жанубий Корея раҳбариятининг мамлакатимиз билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш тарафдори эканидан далолат беради. Стратегик шериклик алоқаларимиз бундан буюн ҳам нафақат энергетика ва табиий ресурслар, балки қайта тикланидиган энергия манбалари, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот-коммуникация технологиялари, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, логистика ва бошқа соҳаларда ҳам ривожланиши шубҳасиздир.

Мисол учун, Корея Республикасида ярим ўтказгич технологияларга асосланган қуёш энергетикаси соҳаси жадал суръатда ривожланди ва бугунги кунда Жанубий Кореянинг бу соҳада жаҳондаги улуши 21 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, техник кремний асосидаги қуёш модульларимиз самарадорлиги энг юксак халқаро талабларга жавоб беради. Қўлай иқлим шароитларига эга ва бир йилда 330 кун қуёш порлаб турадиган Ўзбекистонда ҳам бир неча ўн йилдан буюн қуёш энергетикаси соҳасида тадқиқотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яна шунини таъкидлаш керакки, иқтисодий юксалиш ҳар доим энергия истеъмоли билан боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистон раҳбарияти аънаваний ёқилғи турларида нисбатан қуёш энергетикаси имкониятларидан тўлақон фойдаланишга интиломоқда. Шу боис мамлакатларимиз ўртасида қуёш энергетикаси соҳасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли шериклигининг истиқболли йўналишларидан бири, деб ҳисоблайман.

(Давоми 2-бетда)



Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида иш бошлаган янги автовокзал ва автостанцияларда пойтахтимизни Фарғона водийси билан боғловчи йўналишда йўловчи ташиш йўлга қўйилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚЎЛАЙЛИКЛАР

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги маълумотларига кўра, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган Қамчиқ довони орқали кунга минглаб транспорт воситалари қатнайди. Уларнинг аксарияти йўловчи ташиш билан шуғулланаётган енгил автомобиллардир. Жумладан, тоғли ҳудудлар орқали ўтадиган йўлнинг узоклиги ҳайдовчиларнинг маҳорати ва транспорт воситаларининг техник ҳолатига нисбатан алоҳида талаблар қўймоқда.

Пойтахтимиздан Фарғона водийсининг йирик шаҳарларига янги йўналишлар ташкил этилиши Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг яна бир ёрқин самарасидир. Бунинг натижасида аҳолига транс-

порт хизмати кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги сезиларли даражада ошиб, йўловчи транспорт соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат янада кучаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори га мувофиқ тегишли лицензияга эга юридик шахсларгина йўловчи ташиши мумкин. Хусусий автотранспорт воситалари эгалари ушбу автоташувчи корхоналарга аъзо бўлгандан сўнг йўловчи ташиш билан шуғулланмоқда. Улар қонуний асосда фаолият юритиб, иш ҳақи олмоқда, ҳуқуқий ва ижтимоий Ҳимояланмоқда, пенсия таъминоти га эга бўлмоқда.

(Давоми 3-бетда)

Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши томонидан «Ягонасан, муқаддас Ватан: Ўзбекистон кеча ва бугун» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган долзарб вазифалар ижроси муҳокима этилган тадбирда депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, қўйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жаҳонимизнинг барча жабҳаларини изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Анжуман иштирокчилари мустақиллигининг ўтган 23 йили халқимиз тағалган тараққиёт йўли нақадар тўғри ва ҳаётий эканини намойиш этаётганини алоҳида қайд этишди. Ўз вақтида узокни кўзлаб ишлаб чиқилган умуммиллий дастурларимиз туфайли таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни Ҳимоя қилиш, болалар спортини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель шаклланди. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири мамлакатимизда янги демократик жамият қуриш концепциясининг узвий таркибий қисми сифатида буюк келажакимизни барпо этишда фойдаланишда муҳим роль ўйнамоқда.

— Бугунги кунда халқимизнинг онгу тафаккури ўзгарди, — дейди партиянинг Олий Мажлиси

Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Олим Ўсаров. — Эндиликда фуқароларимиз миллий ўзлигини англаш билан бирга уни Ҳимоя қилиш, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраш, «кеча ким эдигу бугун ким бўлди» гоёсига собитилган нимоён этмоқда. Бундай эзгу амаллар боис халқимиз улкан марраларни қўлга киритмоқда.

Тадбир якунида барча ҳудудларда «Ягонасан, муқаддас Ватан, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» гоёсининг моҳиятини тўлиқ очиб берувчи таъсирчан усул ва воситалардан кенг фойдаланиш, жойларда ўтказилаётган очик мулоқотлар ва учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар салмоғини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан вилоят маънавият тарғиботчилари гуруҳи иштирокида «Мустақиллиқни асраб-авайлаш, Ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш — муқаддас бурчимиз» мавзусида ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

• Жиззах вилоятида «Жиззах юлдузлари» деб номланган иқтидорли ёшлар фестивали ўтказилди. Мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ҳамда турли соҳаларда фаолият юритаётган ёшларни қамраб олган мазкур акцияда ўн мингга яқин навқирон авлод вакиллари иштирок этди.

• Андижонда «Ишбилармон талаба — 2014» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши тадбиркор талаба», «Ишбилармон талаба», «Ташаббускор талаба», «Энг ижодкор талаба», «Энг яхши инновацион лойиҳа муаллифи» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди.

• Жиззах тумани Увопсой қишлоғидаги «Пахтакор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Солиқ ҳақида нима биласиз?» викторинаси бўлиб ўтди. Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур викторина ёзги болалар оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётган ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг солиқлар ва солиқ тизими ҳақидаги билимларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Берлинда ноёб рангли суратлардан ташкил топган кўргазма очилди. Суратларнинг ноёблиги шундаки, улар икки нафар жонкуяр инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан XX аср бошларида — рангли суратлар олиш эндигина юзага келаётган пайтда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида тасвирга туширилган ва ўша пайтдаги ҳаёт тарзи, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

• Жорий йилнинг иккинчи чорагида Испаниянинг «Bankia» банки 245 миллион евро микдорида соф фойда олишга муваффақ бўлди. Маълумотларга қараганда, ушбу банк бундай юқори кўрсаткичга кредитлар ҳисобидан орттирилган юқори даромад эвазига эришган. Мазкур жараёнда мамлакат иқтисодиётининг яхшиланиб бораётгани ҳам муҳим омил бўлган.

• «Grass» компанияси мутахассислари автомобиль ойналари учун «NanoForce» деб номланган махсус қоплама ишлаб чиқишди. Шу қоплама автомобиль ойнасига суртилганда, микроёриқлар беркилиб, молекуляр даражадаги жипслик билан кўринмас қатлам ҳосил бўлади. Мазкур модданинг ташқи таъсирларни ўзига олмаслиги боис автомобиллар ойнаси бир неча ой давомида тоза сақланади. Шунингдек, ойнага сув ҳам умуман юқмайди ва ёмғир ёққанида ойна тозаланишда фойдаланишга эҳтиёж туғилмайди.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағиш-

лаб «Эзгулик элчиларига эҳтиром» номли маърифий тадбир ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат техника университети спорт маж-

муасида «Соғлом оила» шиори остидаги оилавий спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар

Божхона бошқармасида «Янги таҳрирдаги божхона кодекси — божхона ишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида семинар ўтказилади.



Парламент томонидан мамлакатимиз истиқболи учун хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш билан чекланмасдан, балки ушбу қонунларнинг амалий ижросини таъминлашга уларнинг халққа, мамлакат тараққиётига хизмат қилишига, ўзининг ҳуқуқий ва яратувчилик қудратига эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам сенаторлар ўз фаолиятларида қонунларнинг жойлардаги ижроси масаласига ниҳоятда жиддий ва доимий эътибор қаратадилар.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида қўрилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида жойларда халқимиз билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб турилади. Олис қишлоқлар, маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида бўлиб ўтадиган бундай учрашувлар қизғин баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмашишларга бойлиги билан аҳамиятлидир. Бугун ҳамоҳусларимизнинг дунёқараши, рўй бераётган ўзгаришлар ҳусусидаги мушоҳадаси ўзгача, фикрлари теран. Катта авлод вакиллари ўтган асрнинг 90-йилларидаги вазиятини эслаб, ҳозирги шароит билан қиёслаб олишса, бир неча тилда бемалол мулоқот қиладиган, дунё билан интернет орқали тиллашаётган ёшларимиз ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан чўқур ҳулоса чиқармоқдалар.

Айни чоғда улар тинчлик, оқилолликни барқарор бўлган мамлакатда истиқомат қилаётганидан, шу азият Ватанда орзулари рўёбга чиқаётганидан шукроналик ҳисси билан яшамоқда. Бунинг ўзига хос сабаби бор. Зеро, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимиз ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ тузумда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яқорақимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қолқ агар республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салохияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Бунинг одамларимиз ўз турмушида қўриб-билиб турибди, шаҳар-қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, тараққиётнинг «Ўзбек модели» халқро ҳамжамиятнинг эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Яқинда Самарқанд ва Тошкентда бўлиб ўтган халқро конференцияларда иштирок этган хорижий таниқли олим ва экспертларнинг эътирофлари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Сир эмас, мустабид тузумдан фақат пахта ҳам ашёсини етиштиришга йўналтирилган, амалда эса тугаб бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Одамларнинг турмуш тарзи МДХ давлатлари орасида энг қўйи ўринларда бўлиб, аҳолининг ҳаттоки бирламчи озиқ-овқат ҳамда маиший техника воситалари билан таъминлашнинг илоҳи йўқ эди. Ана шундай шароитда давлатимиз раҳбари томонидан узокни ўйлаб, пухта ишлаб чиқилган «Ўзбек модели» асосида мамлакат ҳаётини янгилаш, ҳеч қандай инқилобий «терапия»ларни қўлланмасдан, тадрижий ўзгаришлар асосида иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди. Барча ислохотларнинг «янги уй қўрмасдан, эскисини бузма» таъмоили асосида амалга оширилиши юртимиз иқтисодиёти молиявий таназзуллардан ишончли ва бешикаст олиб чиқиш, глобал рецессия шароитида ҳам барқарор ўсиш суратларини сақлаб қолиш имконини берди. Айнан шу шароитларга мос миллий қонунчилик базасининг яратилиши эса ислохотлар ўйғун кечишида муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, миллий тараққиётимизнинг биринчи босқичи — 1991 — 2000 йилларда кенг қамровли ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиёти асосларини, авваламбор, шу мақсадларга йўналтирилган қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди. Шу даврда Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусуслилаштириш тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»-ги каби бир қатор қонунлар ишлаб чиқилдики, улар ислохотларнинг ҳуқуқий негизини яратди. Ислохотларнинг кейинги босқичларида 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Улар иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлибгина қолмай, балки амалга оширилаётган бозор ислохотлари орта қайтмаслигининг кафолати бўлиб қолди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаги асосий муаммолардан бири — мамлакат иқтисодиётидаги пахта яқорақимлиги тенденциясига тўлиқ барҳам берилди. Ўзбекистон тайёр маҳсулот экспорт қилувчи мамлакат сифатида ўзини тобора кўпроқ намоён этмоқда. Экспортда пахта толасининг улуши 1990 йилда 59,7 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 10 фоиздан камини ташкил қилмоқда, холос. Айни пайтнинг ўзида машина ва усқуналар, кимёвий ўғитлар, тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Умуман, бугунги кунда экспорт қилувчи қорхоналарнинг экспорт салоҳиятини рағбатлантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, ўз маҳсулотини экспорт қилиш билан шўғулланмаган қорхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмлари жорий йилнинг биринчи ярмида 8 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салдосини таъминлаш имконини берди. Экспорт таркибида рақобатбардор тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани ҳам яққол кўзга ташланмоқда. 2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиқини тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолатидир.

ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИНИ ЯНАДА ЧЎҚУРЛАШТИРИШ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўтган йили ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархи кескин пасайганига қарамайдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди. Буларнинг барчаси «Кеча ким дедим бугун ким бўлдим?» деган саволга қатъий жавоб бўла олади.

Маълумки, мамлакатларнинг ривожланиш тенденцияларига эътибор қаратиладиган бўлса, биринчи ўринда, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари муттасил ўсиб бориши, жамиятда ресурсларнинг адолатли тақсимланишига катта эътибор берилиши кўзга ташланади. Шу маънода олганда, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошираётганидан қалбимиз фахр ва гурурга тўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақиға нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир. Жорий йилда республикада мазкур кўрсаткичнинг 41 фоизга етказиш назарда тутилмоқда. Ойларлар даромадини таркиби ўзгармоқда — тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этаётган. Ҳолбуки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида бу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди.

Ўзбекистонда энг пастан ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси кейинги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Узоққа бормайлик. Аксарият мамлакатларда ҳусусан, қўйи давлатларда аҳоли қатламлари ўртасидаги тафовут ўнлаб баробарга тўғри келиб, ижтимоий танглик йил сайин тобора кучаймоқда. Айниқса, глобал иқтисодий инқироздан ҳали тўлиқ ўғланлиб олинмаган бир шароитда жамиятда ижтимоий адолат принципларини қарор топтиришнинг аҳамияти жуда муҳимдир.

Даромадларнинг муттасил ошиб бориши эвазига ҳамоҳусларимиз хараид ва истеъмол қобилияти ҳам юксалмоқда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми кенгаймоқда. Бунинг яқинда Жаҳон банки томонидан эълон қилинган иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича мамлакатларнинг янги рейтинг ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий валюта хараид қобилияти паритетига асосан ҳисоблаб чиқилган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёнинг 190 давлати орасида 66-ўринни эгаллайди. 2010 йилда Ўзбекистон ушбу кўрсаткич бўйича 72-ўринда қайд этилган эди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ўсиши ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошиға нисбатан ошиб боришида ҳам ўз ифодасини топтоқда. Жаҳон банкининг баҳолашига кўра, хараид қобилияти паритети ҳисобга олинган ҳолда бу кўрсаткич 5340 долларни ташкил этди. Бу 2010 йилга нисбатан 1110 долларга кўп бўлиб, 2004 йилдан буён икки баробар ошгандир. Бунда, шубҳасиз, тараққиётнинг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ислохотларнинг босқичма-босқич изчил амалга ошириш таъмоилига асосланган мустаҳкам макроиқтисодий барқарорлик ва чўқур таркибий ўзгаришлар Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг жадал суръатларида ўсишининг асосий омиллари бўлди.

Алоҳида қайд этиш кераки, Ўзбекистонда давлат бош ишловчиси сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришларни жадал олиб бормоқда, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш бўйича мақсадли ва принципиал лойиҳаларни рўёбга чиқармоқда. Шу билан бирга, ҳукумат турли модернизация лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, намунаги ўй-ҳайоини қўриш орқали иқтисодиётга инвестиция киритиб, уни рағбатлантириб бормоқда. Айниқса, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида ўй-ҳайоини ва инфраструктура тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурлар ўзига ҳослиги билан халқро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлиб, улар томонидан қизқиб ўрганилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ўй-ҳайоини қўриладиган янги қишлоқ массивларида 2014 йилга мўлжалланган 11000 та намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибдаги ўйларнинг 4486 таси фойдаланишга топширилди. Ушбу лойиҳаларнинг эътиборли жиҳати шундаки, бу ўйлар қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгариштириш билан бир қаторда, янги иш ўринлари яратиш, қурилиш саноатини жадал ривожлантириш, ўз навбатида, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Энг муҳими, қишлоқ аҳолиси шаҳардан қилинмайдиган шарт-шароитларга эга ўйларга қўйиб ўтмоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлигининг яна бир кўрсаткичи — албатта, одамларнинг хараид қобилияти ўсиб бораётганидир. Шунинг қувонч билан айтиш мумкин, аҳолининг юртимизда ишлаб чиқарилган енгил асбоблар билан таъминланиш даражаси йилдан-йилга ўсмоқда. Агар 2000 йилда ҳар 100 оилаға ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 таға етган. Ойларларнинг 11 фоиздан ортиқ иккитадан енгил автомобилга эга. Бу ютуқлар ниманинг эвазига? Шак-шубҳасиз, мустақиллигининг, истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар самараси, ютуқидир.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Мустақиллигимизнинг 23 йиллиғига ҳозирлик қилинмоқда, амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда. Янги ижтимоий иншоотлар ва бинолар фойдаланишга топшириляпти, бунёдкорлик ва ободонлаштириш жадал бормоқда, янги марралар забт этилмоқда. Яқиндагина мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак галла хирмонининг бунёд этилгани Истиқлолнинг қўлғу тўйига бободехонларимизнинг муносиб совғаси бўлди.

Албатта, эришилган ушбу ютуқ ва натижалар билан чекланиб қолмасдан, жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилиш тадбирларини изчиллик билан давом эттириш, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида, белгилаб, берилган вазифалар ижросини, тўлиқ таъминлаш, стратегик мақсад — ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш йўлида ҳуқуқий, ташкилий янгилашларни амалга ошириш, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг қўламини чора-тадбирлар ишлаб чиқиш галдаги муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Бунда, шак-шубҳасиз, парламент аъзоларидан янада фаол бўлиб, қонунларни пухта-пишиқ ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатишлари, қонунлар ва дастурлар ижроси устидан парламент назоратини қўлайитириш ҳар доимидан ҳам кўра кўпроқ талаб этилади. Пировардида, бу аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, юртимизнинг халқро миқёсдаги нуфузини янада юксалтиришга, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абдурашид АЛТИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари қўмитаси раиси

Ижтимоий ҳамкорлик — тараққиёт омили

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг (ФЖШМКИ) Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси билан ҳамкорликда бўлажак сайловларга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш жараёнида партия бўлимининг фаолиятини кўчатиришга бағишланган «Сийсий партиялар ваколатли вакиллари ва кузатувчиларнинг бўлажак сайловларда иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусидаги семинарлар туркумини ўтказди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиғига бағишланган тантанали йиғилишида маърузасида шунинг алоҳида таъкидладики, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сийсий партияларнинг ролини кескин қўлайитириш, мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омиллига айланимоғи лозим. Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлариға ўтказилган умумхалқ сайловлари нуктаи назаридан долзарб аҳамият касб этди.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаларидан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда барча сийсий партиялар бўлажак сайловларга тайёргарликни жонлантирди. Бу борада пойтахтимизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг (ФЖШМКИ) Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимининг томонидан барча сийсий партияларнинг шаҳар бўлимининг билан ҳамкорликда семинар-тренинглар туркуми ташкил қилинди.

Тадбирларда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партияларнинг шаҳар, туман ва бирламчи ташкилотлар раислари, ФЖШМКИ мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренинглари қўзланган мақсад сийсий партияларнинг шаҳар, туман ва бошланғич ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, партия аппарати ҳодимларида замонавий сайлов кампаниясини ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Семинар-тренинглари кун тартибига мувофиқ сийсий партиялар кузатувчилари ва ваколатли вакиллариининг бўлажак сайлов-

ларда иштирок этишига доир ташкилий-ҳуқуқий механизмлари, кузатувчилар ва ваколатли вакиллариининг ўтган сайловларда иштирок этишига доир ижобий таъриба, камчиликлар ва фойдаланилмаган имкониятлар таҳлил қилинган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди. Семинар иштирокчилари шунингдек, партиялар ҳудудий бўлиминларининг бўлажак сайловларга кузатувчилар ва ваколатли вакиллариининг номзодларини тайёрлаш ва илгари суршига оид фаолияти самарадорлигини қўлайитириш масалаларини кўриб чиқди.

ФЖШМКИнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлиминини раҳбари Дониёр Аюпов ўтган сайловларда сийсий партиялар томонидан эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлили натижалари, фойдаланилмаган имкониятлар билан таништирди. Сийсий партияларнинг кузатувчилари ва ваколатли вакиллариининг янада синчиклаб танаҳш, туман Кенгашлари даражасида ҳам шу каби семинарларни ташкил этиш зарурлиги мавқуудлигини қайд этди.

ЎзЛиДеПнинг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Тўрабек Назаров таъкидлаб ўтганидек, ФЖШМКИнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлиминини ташаббусига кўра ташкил қилинаётган ушбу семинарлар кузатувчилар ва ваколатли вакиллариининг ҳуқуқий биллими ва касбий кўникмалари даражасини оширишда, сайловларга тайёргарлик қилиш ва сайловнинг фаол босқичида партия штабларининг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилишда катта услубий аҳамиятга эга.

ЎзДП Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Маргарита Ахмедбекова интерфал машғулотлар жараёнида партия ташкилотлари ҳодимлари сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишда кузатувчилар ва ваколатли вакиллар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида яққол тасавуруларни шакллантириш унун қўлай имкониятга эга бўлганлиқларини айтиб ўтди.

ЛИ УК ХЁН: «СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси бир-бирини тўлдирадиган иқтисодий тузилмалардир. Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, Жанубий Корея эса илгор технологиялар, капитал ва ноу-хауга эга.

Корея Республикаси раҳбарияти раванқ топаётган Ўзбекистон билан ҳамкорликда Евроосий даврини яратиш икки томонлама муносабатларни янада самарали бўлишига хизмат қилишига ишонади.

— 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинди. Президент Ислам Каримовнинг ушбу ташаббуси ва мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни билдирсангиз.

— Болалар — ҳар қандай давлат келажагидир. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, энг янги апаратура билан жиҳозлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани менда катта таассурот қолдирди. Бу, ўз навбатида, тараққиёт ва фаровонлик пойдеворидир.

Шу боис Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш юксак самаралар бераётганини юқори баҳолайман.

Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тиббиёт, жумладан, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ҳам фаол ривожланмоқда. Мисол учун, Корея Республикаси Ўзбекистонда болалар миллий шифохонасини қўриш лойиҳасини молиялаштиришга кўмак бермоқда. EDCF ҳамғармаси ушбу мақсад учун 100 миллион долларлик заём маблағини ажратди. Мазкур лойиҳада KOICA ташкилотларининг илгор таърибаси ва технологияларидан ҳам фойдаланилади.

Шунингдек, Жанубий Корея мутахассислари мамлакатингизда болаларни соғломлаштиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.

— Шу йилнинг июнь ойида Тошкентда «Ўзбекистон озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусида халқро конференция бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси салоҳияти ҳақида нима дея оласиз?

— Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш жаҳон ҳамжамиятининг долзарб муаммоларидан биридир. Шу муносабат билан Тошкентда бўлиб ўтган ушбу муҳим халқро конференцияда бугун дунёдан ташриф буюрган мутахассислар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи юзасидан ўзаро фикр алмашганини таъкидлашни истардим. Ўзбекистон раҳбариятининг озиқ-овқат хавфсизлиги, фуқароларнинг тўғри ва муносиб рацион, асосида овқатланишини, таъминлашга қаратилган сериқра стратегик сий-ҳаракатларини юқори баҳолайман. Бу эса инсон саломатлиги, унинг турмуш даражаси ва узок умр қўришиға бевосита таъсир қилади.

Бу масалалар Ўзбекистон қатор устуниклига эга, деб ўйлайман. Ушбу заминнинг қўлай табиий иқлим шароити, қадрлар салохияти ва меҳнатсевар халқи мамлакатга халқро қишлоқ ҳўжалиги бозорида ўз ўрнини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Хусусан, Президент Ислам Каримовнинг узокни қўлаб қўриётган сиёсати самарасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ошмоқда, уларнинг сифати яхшиланимоқда, қайта ишлаш саноати ривожланмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон дунёнинг қарийб 80 мамлакатига қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Серқўёш ўлкангизда етиштирилган мева-сабзавотлар ўзининг мазали таъми ва фойдала хусусиятлари билан дунёға кенг танилган.

Шу йилнинг 30 апрель кунин Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига бағишланган форумда Ўзбекистон агар комплекс улкан салохиятга эга экани қайд этилиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида амалий дастурлар тақлиф этилди.

Бугун мамлакатларимиз ўртасида агар соҳаға янги технологияларни жорий этиш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни янада ривожлантириш соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлик раванқ топтоқда.

Ишоним комилки, буларнинг барчаси Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етказиб беришни қўлайитириш, жумладан, Ўзбекистондан Жанубий Кореяға юқори сифатли мева-сабзавотлар экспорт ҳажминини кенгайтириш имконини беради.

Муҳтасар айтганда, дўст мамлакатлар бўлган Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳар икки давлатни изчил ривожлантириш йўлида бирдамлик билан ҳаракат қилган ҳолда самарали ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга интиломоқда. Президент Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонға давлат ташрифи доирасида мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини самарали ривожлантиришнинг асослари мустаҳкамлангани ҳам қувонarli ҳолдир.

— Президент Ислам Каримовнинг минтақада тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган сий-ҳаракатлари ва сиёсатини қандай баҳолайсиз?

— Марказий Осиёда етакчи давлат бўлган Ўзбекистон мустақиллиқа эришилган 1991 йилдан буён минтақада тинчлик-осойишталикни сақлашға катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистонда ҳўки сураётган сийсий ва иқтисодий барқарорлик, демократия ва инсонпарварлик муҳити бунда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни ўрнатиш борасида халқро ҳамжамият сий-ҳаракатларида фаол иштирок этаётгани юксак баҳоға лойиқдир. Президент Пак Кин Хэнинг Ўзбекистонға давлат ташрифи доирасида БМТ етакчилигида тинч, барқарор ва мустақил Афғонистонни ташкил этиш жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида эришилган қилишувлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш борасидаги самарали сий-ҳаракатларини, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 1993 йил БМТ Бош ассамблеясининг сессиясида илгари сурган Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонани барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланганини юқори баҳолайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги билан самимий муқорабод этаман. Истиқлол йилларида эришган ютуқларини билан табриқлайман, Ўзбекистонға раванқ, халқиниғизға бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ирода УМАРОВА
суҳбатлашди



Максим ЧЕРНОГАЕВ,
Нозима МАҲКАМОВА



Орзулари ойдин ёшлар

Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган сурат

«УЧИНЧИ СЕКТОР» ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри ва вилоятида ўтказилган «Келажаги буюк соғлом авлод» биринчи республика танлови ғолибларига сертификатлар топширилди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳозирги шартларда улар демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омили бўлаётган, фуқароларнинг ўз салоҳиятини юзага чиқариши, ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-роит яратмоқда; жамиятимизда манфаатлар мувозанатини сақлашга қўмаклашмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидовнинг айтишича, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган. Шундан келиб чиққан ҳолда, «учинчи сектор»ни ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилмоқда.

Масалан, мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий

йилда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятида «Келажаги буюк соғлом авлод» биринчи республика танлови ўтказилди. Унинг якунлари бўйича аниқланган 24 нафар ғолибга грант маблағларини олиш учун сертификатлар топширилди.

Бугун 14 миллион сўм миқдордаги грант соҳиби бўлди, — дейди «Ўзбекистон — Ҳиндистон» дўстлик жамиятининг ижрочи директори Жамшид Намозов. — Бу маблағ ёшларимиз ва ҳоризонтлар ўртасида бой маданий меросимизни тарғиб қилиш бўйича икки лойиҳани амалга оширишга йўналтирилди. Бу борада турли маърифий тадбирлар, жумладан, кўрик-танлов ва кўргазмалар ўтказилди. Кўрсатилган ёрдам ва фаолиятимиз рағбатлантиришга эришган учун самимий миннатдорлик билдираман.

Йиғилишда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини кенг ёритиб, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаётган, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ёрдам бераётган мустақил оммавий ахборот воситалари амалга ошираётган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ташкил этилган иккинчи танловда оммавий ахборот воситалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг 100 нафардан зиёд вакили 120 дан ортиқ лойиҳа аризасини тақдим этди. Жамоат фонди энг долзарб лойиҳалар амалга оширилишини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 650 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Тадбирда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан кейинги уч танловда грант олиш учун аризаларни қабул қилиш мuddати 2014 йилнинг 1 сентябрга қадар ўзгартирилгани ҳақида маълум қилинди.

Меҳрибон МАМЕТОВА,

ЎЗА мухбири

Умр инсонга бир марта берилади. Уни ҳар қим ҳар хил ўтказишди. Кимдир ўзидан яхши ном қолдириб, ақли қомил фарзандлар ўстириб, элу юртга нафим тегсин деб ният қилса, яна кимдир нафсининг бир онийлик қурбонига айланиб бир умрга йиғган иззат-обрў, ишончдан айрилиб, юзи шувут бўлиб қолади. Бугунги «қаҳрамонимиз» ҳам мана шундай инсонлардан бири. «Сўнгги пушаймон — ўзинга душман» нақли бежизга айтилмаганига иқдор бўлиб ўтирибди.

Азалдан ҳалқимиз болажон. Қариндош-уруғчилик, ўзаро бир-бирини қўллаш, беминнат ёрдам кўрсатиш қон-қонимизга сингиб кетган. Мақоламизда тилга олаётган опа-сингиллар ҳам меҳрибон, бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган жигарлар. Латофат Каримова (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган) опасининг кизи Муҳаддас Халилова-нинг икки-уч йилдан бери Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртидан бери, қириш имтиҳонларидан етарли бал тўплай олмасдан ўқишга қиролмай келаётганлигидан хабардор эди. «Келаси йили ҳаракат қилсанг албатта кирасан» деб жиянининг кўнглини кўтариб ҳам қўярди. Латофатнинг иш билан Тошкентга кетаётганлигини билган Маъмура сингилсидан кизи учун шаҳардаги олий ўқув юртида ҳақида, қачон имтиҳон бўлиши, қириш учун қанча бал тўплаш лозимлиги ҳақида қилиб келишини илтимос қилди. Албатта, сингил бу илтимосни ерда қолдирмади, у аввало Ўзбекистон Миллий университетида келиб вазиятни ўрганди. Шу ерда юртдага эса бир аёл билан танишиб қолди. Ўзини Шоҳсанам деб таништирган аёл унинг нима мақсадда юрганини билиб, «Истасангиз менинг бир танишим бор, хоҳлаган олий ўқув юртига олиб кириб қўйиши мумкин», деди. Албатта бу гапдан Латофатнинг боши осмонга етди, худди жияни ўқишга жойлашиб бўлгандек, ширин хаёллар билан опасининг ёнига шошилди.

Опа-он, иш пишиди, наҳаб этса бу йил жиянинг албатта талабалар сафида бўлади, — деди у. — Фақат озгина чиқими бор экан-да, нима дейсиз шунга?

— Чикимсиз иш битмайди, нима ҳам қилардик, топиб берамиз.

Шундан кейин «ўқишга олиб кириб қўйиш» операцияси бошланди. Олдин телефон орқали мулоқот бўлиб, ўзини

Файрат, Тошкент Тиббиёт академиясида ҳисобчи бўлиб ишлайман деб таништирган, қайси олий ўқув юртига деса олиб кириб қўйишга қодир бўлган инсон билан учрашиб, гаплашиб қолди. Ўзини жуда уйдабурсон қилан қаерга узатса етадиган қилиб кўрсатган Файрат нарҳини келишса бўлди, ҳеч қандай муаммо бўлмастлиги, ўқишга кириши юз

фоиз қофлатланганлиги, 10 мингдан кам бўлса иши битмаслигига уни ишонтирди. Албатта, қизининг ўқишга киришини астойдил хоҳлаган она пулни олиб келишга, ишни битиришга ҳаракат қилди. Уйга борганда эса қизининг қатъий туриб, «Мен пора бериб ўқишга қирмайман, астойдил ҳаракат қилиб, ўзим топширмаман», деганидан кейин ҳайрон бўлиб қолди.

— Бу ноқонуний иш, бундай қимсалар қанчадан-қанча одамларни лақақ туширади, — деди қизи, — ҳаммага ишонаверманг, улар қонун олдида жавоб бериши керак.

Шу орада Файрат телефон қилиб пулни тезроқ олиб келмаса, кеч бўлишини, юқоридаги «ақахон»ларига вақтида бермаса иши битмаслигини айтиб шошира бошлади. Шундан кейин Маъмура бу ҳақда икки ишлар идораларига ўқишга кириштиб қўйиш учун 10 минг қўқидан пора сўрашаётгани ҳақида хабар берди.

Навбатдаги қўнғироқдан кейин улар учрашув жойини келишиб олдилар. Яъни Чилонзор тумани ҳудудидаги М. Улуғ-

Қишга тайёргарлик — долзарб вазифа

МАВСУМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

«Тошкентшаҳаргаз» бошқармаси томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида иккита юқори босимли газ қувири барпо этилмоқда. Мазкур газ қувирилари Бектемир ва Учтепа туманларининг газ таъминотини янада яхшилашга хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган 2014-2015 йилларда иқтисодиётимиз тармоқларининг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 24 июндаги «Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз газ таъминоти тизимини янада ривожлантириш ва унинг барқарор фаолият юритишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига кенг қўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда пойтахтимизда табиий газдан 10 мингдан ортиқ юридик шахс ва 580 минг маиший истеъмолчи фойдаланади. Соҳа му-тахассисларининг тасдиқлашича, куз-қиш даврида шаҳардаги урта газ тақсимлаш станциясининг умумий ўтказиш қуввати суткасига 18-22 миллион куб метрга етади.

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси ҳузуридаги «Тошкентшаҳаргаз» филиали бошлиғи ўринбосари Т.Солиевнинг таъкидлашича, куз-қиш даврида ҳаво ҳароратининг пасайиши билан шаҳар газ таъминоти тизимига тушадиган юклама кескин ошади. Шаҳар газ таъминоти ташкилотларида амалга оширилаётган изчил ишлар мавсумга ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик қириш-ни таъминламоқда.

Айни пайтда яқинлашиб келаётган куз-қиш мавсумига пойтахт газ таъминоти тизимини тайёрлаш ишлари қизиган бораётган. Қурилиш-таъмирлаш, текшириш-тажриба ишлари бажарилди.

Жумладан, 180 километр газ қувири синовдан ўтказиш ва ҳаво билан тозалаш ишлари амалга оширилиб, 874 километрдан ортиқ газ тармоғи текширилди. Бу газ қувирилари ҳолатини баҳолаш аниқлигини ошириш имконини берди. 10 километрдан зиёд газ тармоғи капитал таъмирланди. Мазкур жараёнда ишдан чиққан қувирилари тиклаш бўйича инновацион технология қўлланилди. 1,8 мингдан ортиқ ўрта ва юқори босимли газ тақсимлаш пункти тафтиш ва профилактика қилинди.

Пойтахтимиз аҳолисини «зангори олов» билан узлуксиз таъминлашда Бектемир тумани Бинокор аҳоли пункти ҳамда Учтепа тумани Ўрикзор ва Кўксарой маҳаллаларидаги янги юқори босимли газ қувирилари муҳим ўрин тутди. Айни пайтда Бектемир туманида узунлиги уч километрлик газ қувирини барпо этиш ишлари якунига етказилмоқда. Тез орада қурилиши бошланадиган иккинчи газ қувири икки километрдан ортиқ масофага қўзғилади.

Янги газ қувирининг қурилиши туманимизда газ босимининг барқарорлигини таъминлайди, — дейди Бектемир туманида истиқомат қилувчи А.Ҳайдаров. — Демак, яқинлашиб келаётган мавсумда хонадонларимиз доимо иссиқ бўлади.

Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қириш пойтахтимиз газ таъминоти тизимининг барқарор ва самарали фаолият юритиши қафолати-дир. Айни пайтда фойдаланилган «зангори олов» учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Фавқуллода вазиятлар вазирлиги томонидан аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш борасида қилинаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ёзнинг жазираси кунлари давом этмоқда. Биламизки, иссиқ кунларда мева ва сабзавотлар тез бузилиб, яроқсиз ҳолатга келади. Уларнинг таркибида касаллик тарқатувчи бактериялар тез ривожланади. Уйимиз, умумий овқатланиш шохобчалари, озиқ-овқат дўконлари ва дехон бозорларида санитария-гигиена талабларига риоя қилмаслик натижасида овқатдан заҳарланиш ҳолатлари келиб чиқиши мумкин.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда бир қатор ишларни олиб бормоқда. Фуқароларимиз ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил этилиб, уларнинг тиббий маданияти оширилади. Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг жойлардаги тузилмалари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда давлат ва туманлардаги бозорлар, умумий овқат-овқат жойлари, озиқ-овқат дўконларининг санитар-гигиеник ҳолатини мунтазам назорат қилиб бормоқда. Қўча-қўй ва дўч келган ерда сифати талабга жавоб бермайдиган тайёр овқат

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ — МУҲИМ МАСАЛА

ҳамда турли ичимликларни сотишнинг олдини олишга қаратилган доимий назорат ўрнатилган.

Шунингдек, барча вилоятлардаги дехон бозорлари ҳозирдаги овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича семинар ва йиғилишлар ўтказилиб, тегишли вазир-фалар белгилаб олинди.

Жойлардаги давлат бошқаруви органлари ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 167 та вилоят ва туман бозорлари, 217 та умумий овқатланиш ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш масканларида санитария-гигиеник қоидаларга жавоб бермайдиган, уй шартларида тайёрланган маҳсулотлар ҳамда ичимликлар савдосининг олди

бек метро бекатида учрашиб, Файратта ишлов берилган 10.000 АҚШ долларини топширди. Энди Файрат пулни санаб олишга киришган пайтда ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идора ходимлари уни саволга тутдилар. Шошиб қолган Файрибгар, ўзганининг мулкни алдаш ва ишончли суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга қиритишга интилган шоввознинг дами ичига тушиб кетди.

Айбланувчи Ф.Парпиев ўз айбига қисман иқдор бўлиб кўрсатма берган бўлсада, унинг юқоридаги жиноятни содир этганидаги айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган бир қатор гувоҳлар кўрсатмалари билан тўлиқ ўз тасдиқини топди.

Жиноятнинг қатта-кичи бўлмади. Уни содир этганлар эса қонун олдида жавоб беришлари шарт. Ўзгалар мулкни осонгина ўзлаштириб, бойиб кетишини ихтиёр қилган нафс бандларига эса мана шу оддий ҳақиқатни билмасликлари ёки билиб туриб билмасликка олишлари кишини ажаблантиради. Ноконуний ишга қўл урдингми, эртами кечми у албатта фош бўлади. «Чучварани хом санаб юрганлар» эса сувдан силлиқ чиқиб кетаман деб ўйлайди. Жумладан, ўзини файратлиман деб юрган Файратнинг ҳам энди Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси 1-қисми ва 28-211-моддаси 1-қисмида қўрсатилган жиноятларни содир этганлиги учун қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Мақолага нукта қўйишдан олдин бир фикрни билдириб ўтишни лозим деб топдик. Касби-кори тайин, оиласи, фарзандлари бағрида, тинчгина ишлаб юрган, қатта-кичинки таниб, ўзига яраша ҳурмат ортирган инсонларга нима етишмас экан-а. Ёки нафоси жиловлаш шунчалар қийинми? Элу юрт олдида бошинг эгилишининг нарҳи шунчалар арзонми?

Ким нима деса лақақ тушиб, алданиб қолаётган одамларга қарата «Эҳтиёт бўлинг, фйрибгар», деб огохлантирмоқдамиз. Ахир инсонлар онгли эканлиги билан аҳралиб туради, озгина ҳушёр, эҳтиёткор бўлсақ рўй бераётган барча кўнглисизликларнинг олдини олиш мумкин. Меҳнат қилиб топган маблағимизни фйрибгарлар қўлига осонгина топшириб қўймайлик, азизлар!

Ифтихор НУРМАТОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи
ўринбосари
Шоира МУҲАМЕДОВА

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг автотранспортда ҳавфсизлиқни таъминлаш бўлими бошлиғи Тохиржон Жамолхўжаевнинг таъкидлашича, дастлабки босқичда Тошкент ва Фарғона водийси шаҳарлари ўртасидаги янги йўналишлар ушбу ҳудудлар автоташувчиларига бириктирилган. Жорий йилнинг октябр ойида ўтказиладиган очик тендер савдолари ғолиблари ушбу йўналишларда хизмат кўрсатади. Йўловчи ташийдиган автомобиллар умумий техник стандартлар талабига жавоб бериши ва уларни ажратиб турувчи зарур белгиларга эга бўлиши шарт. Жумладан, автомобилнинг том қисмига «УТ» белгиси ва тўқ сарик рангли чирок ўрнатилиши лозим. Йўналишли таксининг олд эшикларига қора рангли тўртбурчаклардан иборат шахмат тартибидидаги белги акс эттирилиб, улар ўртасида айлана ичида «УТ» ҳарфлари босилди. Бунда транспорт воситасини маълум бир рангга бўяш шарт эмас.

Жисмоний шахсларга тегишли йўловчи автотранспорт воситалари ўз вақтида техник, ҳайдовчилар эса тиббий кўрикдан ўтказилмаслиги тўғрисида қўллаб-муаммолар юзага келиши мумкин. Натижада улар нафақат ўзининг, балки йўловчилар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ҳаётини ҳавф остига қўймоқда. Пойтахтимиз ва Фарғона водийси ўртасида ҳаракат қиладиган янги йўналишли такси ҳайдовчилари жадвал асосида ишлаётган. Охириги манзилга (автовокзал ва автостанция) етиб келган, қамада тўрт соат дам олиб, йўналишга чиқишдан аввал тиббий кўрикдан ўтади.

Жойларда йўловчи ва ҳайдовчилар учун яратилаётган шароитлар алоҳида эътиборга лойиқ. Масалан, пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Водий», «Наманган», «Ўзғуз» (Андижон шаҳри), «Фарғона» ва «Дангара» (Қўқон шаҳри) автостанцияларида йўловчиларга йўналишлар ҳақида барча зарур ахборотни тақдим этадиган маълумотхона хизматлари ташкил этилган. Қўқонда ушбу ахборотни ҳудудлар қўли ўриндилар ва дам олиш жойлари билан таъминланган, ошона ва меҳмонхоналар ишлаб турибди. Тез орада савдо нуқталари ҳам очилади. Автомобиллар учун қўриқланадиган тўхташ жойи, йўловчиларнинг машинага чиқиш учун эса махсус жойлар, тиббий ва техник кўрикдан ўтказиш пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда автомобиллар тўхташ жойига 600 га яқин автомобилни жойлаштириш мумкин, — дейди «Водий» автовокзали директори Нигматилла Топшўлатов. — Автомобиллар сони ва йўловчилар оқимининг кўпайиши муносабати билан туташ ҳудудни кенгайтириш ҳисобидан бу рақам 1000 тага етиши мумкин. Йўловчи ва ҳайдовчилар яратилаётган шароитлардан мамнун бўлишига ишонаман.

Сардор ТОҶИЕВ,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 26 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги қўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Сергели туман СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманларидан суднинг 2013 йил 15 август кунини 1-3745-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Янги Сергели кўчасида жойлашган, умумий майдони 46 кв.м. бўлган савдо дўкони. Бошлангич нархи — 50 000 000 сўм.

2. Сергели туман СИБ томонидан, ФИБ Яққасарой туманларидан суднинг 2014 йил 24 январь кунини 1-254/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлик-7 мавзеси, Адолат 3-тўрт кўчаси, 9-ўйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., қурилиш ости майдони 410,13 кв.м., фойдаланиш майдони 55,08 кв.м. бўлган 3 хонали уй-жой. Бошлангич нархи — 136 128 000 сўм.

3. Юнусобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик суднинг 2012 йил 12 ноябрь кунини 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юқсалиш кўчаси, 26-ўйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли, ертўпалли дўкон биноси. Бошлангич нархи — 1 802 694 000 сўм.

4. Олмазор туман СИБ томонидан, ЖИБ Олмазор туман суднинг 2012 йил 21 декабрь кунини 1-667/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, 13-ўйда жойлашган, фойдаланиш майдони 265,47 кв.м., яшаш майдони 185,53 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи — 271 609 962,00 сўм.

Юқоридаги қўчмас мулклар билан тегишли суд ижроқилими бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафта-нинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошлангичида бир иш кунини қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар қўчмас мулк бошлангич нарҳининг 10% миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-й. Телефон: (8371) 250-19-24. Лицензия: № ЯР-0017.

Билдириш

«Тошкент оқшони» газетасининг 2014 йил 9 июль кунини 134-сондада чоп этилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-мавзе, Аҳмад Доғиш кўчасида жойлашган биносининг биносининг аукцион савдоси Юнусобод туман СИБнинг 2014 йил 31 июль кунини ҳақида асосан тўхтатилди.

«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.

Тошкент алоқа касб-хунаро коллежи 2014-2015

йилларда тўғри овқатланишни ташкил қилиш мақсадида ўз ошона-буфетини ижарага бериш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Аризалар 2014 йил 15 августга қадар қўйида-
ги телефон орқали қабул қилинади:
+998712411248.

ЁШЛАРНИ ВАТАН ТҮЙҒУСИ БИРЛАШТИРАДИ

Унда «Баркамол авлод» республика болалар марказлари вакиллари, ҳаркат фаоллари, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар иштирок этди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммадхонова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириладиганини таъкидлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий Кенгашида «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивали олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 12-14 август кунлари «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ўтказилган анъанавий «Истиқлол фарзандлари» ёшлар фестивалида ўғил-қизлар Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳи акс этган ижодий ишлари билан иштирок этди. Шунингдек, унда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишони соҳиблари, халқаро спорт

мусобақалари ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати лойиҳаларида голибликни қўлга киритган ёшлар ҳам қатнашди. Анжуман иштирокчилари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Конституциявий суд, Олий суд ҳамда қатор таълим ва маданият масканларида учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, фестиваль доирасида «Баркамол авлод» республика бо-

лалар марказлари тарбияланувчиларининг Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ватанимга менинг тўғам» мавзусидаги ижодий ишлари кўргазмаси ҳамда ёш рассомларнинг тасвирий санъат асарлари ва фотосуратлари танловини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, ёш шоирлар ўртасида энг улуг, энг азиз байрамимизга бағишлаб шеърлар танлови ташкил этиш, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Истиқлол фарзандларимиз» тўпламини нашр этиш, халқаро тоифадаги ҳакам, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан учрашув ўтказилиши белгиланган.

Ёшлар фестивали гала-концерт билан якунланди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири



Тадбирлар

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Тадбир Юнусобод туман Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлар туман бўлими, Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ундан қўзланган асосий мақсад «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг дунёқарашини юксалтириш, ақлан ва жисмонан етук инсон қилиб тарбиялаш, соғлом авлодни ҳар томонлама шакллантириш, фикрлаш ва ҳаракат фаоллигини, ирода кучини ривожлантиришдан иборатдир.

— Ҳар йили болажонлар орзиги кутадиган фасллардан бири, ёз фаслидир, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлимининг етакчи мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — Ушбу фаслда улар ўзларининг сеvimли масканларида хордик чиқариб дам олишади. Болаларни вақтини

Юнусобод туманидаги 288-умумтаълим мактабида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир юқоридаги мавзуга бағишланди.

мазмунли ўтказиш, уларни тарихимизга, бадиий санъатга қизиқтириш барчамиз учун муҳимдир. Ёшларнинг тарих, санъат билан оммавий равишда шугулланиши уларнинг характери тоблайди. Бундай тадбирлар ўғил-қизларнинг мард ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қилади. Шунингдек, фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради. Фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ватанимиз тарихини ўрганиш орқали яхшиликка етакловчи фазилатларни шакллантириш, дўстлик, фидойилик ва ватанпарварлик

туйғуларини камол топтириш, тарихан қисқа даврда улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни, турли учрашув ва давра суҳбатлари орқали «Ким эдигу ким бўлди?» деган ҳаётий ҳақиқатни олдинга суриш кераклиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбир доирасида «Сен тарихни биласанми?» ҳамда «Мустақиллик дарси» мавзуларида суҳбат уюштирилди, 19-сонли Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг санъаткорлари ва оромгоҳ тарбияланувчиларининг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Хабиба ЙҮЛДОШЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Кўза кунда эмас, кунда синади, деб бежиз айтмайди, халқимиз. Содир этилган жиноят эртани-кечми очилади, жиноятчи эса албатта жазоланади. Осон йўл билан бойлик орттирмақчи бўлган баъзи кимсаларнинг қилмишлари ички ишлар ходимлари томонидан аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Мана шундай воқеаларнинг баъзилари билан танишинг. Воқеа қаҳрамонларининг исм-шарифлари ўзгартириб берилмоқда.

«102» ХАБАРЛАРИ

● Олмазор туманида навбатчилик қисмига тушган хабарга кўра, 1981 йилда туғилган, Ҳамза туманида яшовчи Бобур Файзуллаев ва 1996 йилда туғилган, Тошкент вилоятида яшовчи Фарида Аҳмадовалар Себзор даҳаси, 13-уйнинг 5-каватидаги йўлакда турган Дилрабо Собировлага тегишли 280.000 сўмлик радиаторни ўғирлаб кетадиган вақтида қўшнилари томонидан ушланган.

● Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ички ишлар ходимлари томонидан тергов иши олиб борилмоқда.

● Учтела туманида тунги соат 2.40 да 1984 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишлайдиган Ҳамза туманида яшовчи Виталий Валеров Чилонзор туманида яшовчи

Баҳора Юлдашевнинг уйини ертўла эшигининг қулфини синдириб очиб қирган. У уй-рўзгор буюмларини ўғирлаб қочиб кетадиган вақтида, шу ҳудудда хизматни олиб бораётган пост-патруль хизмати ходимлари томонидан ушланди.

● Яккасарой туманида соат тунги 4.30да Кушбеги даҳасида яшовчи Никита Борисов томонидан ўғирлик содир этилган. У мазкур даҳада жойлашган озиқ-овқат дўконига кириш учун чал ён қисмидаги пластик қисмининг ўткир кесувчи жисм билан очмоқчи бўлган. Очаётган вақти сигналзация ишлаб кетган. Натижада сигналзацияга рия қилиб воқеа жойига чиққан профилактика инспекторлари ходимлари томонидан ушланган.

● Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-169-модда 2-қисми билан жиноят иши

Болалар спорти

ЧЕМПИОНЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАН

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болалар спортга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида юртимизнинг барча ҳудудидида замонавий спорт иншоотлари қад ростламоқда. Ушбу мажмуаларда ўғил-қизларнинг спорт билан шугулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз иқтидорини намойён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Пойтахтимиздаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ана шундай масканлардан биридир. Бу ерга келган киши атрофдаги орасталик, мусоффо ҳаводан тани яйраб, бадан тарбия қилиш, спорт билан шугулланиш учун ўзида куч-ғайрат сезади.

Ушбу масканда тажрибали мураббийлар 530 нафардан зиёд ўғил-қизга бадиий гимнастика, теннис, стол тенниси, камондан ўқ отиш, енгил атлетика ҳамда таэквондо (WTF) каби спорт турлари сир-асорини ўргатмоқда.

— Фарзандининг соғлом бўлиб ўлғайиши ҳар бир ота-онанинг орзусидир, — дейди бадиий гимнастика бўйича мураббия Юлия Серикова. — Бу жараёнда болаларни ёшларидан спортга ошно этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда учрайдиган айрим нуқсон ва камчиликларни бартараф этишда спорт энг яхши воситадир. Мисол учун, ёш болаларда учрайдиган сколиоз — умуртка поғонаси қийшайиши хасталигининг олдини олиш ва даволашда спортнинг, айниқса, бадиий гимнастиканинг ўрни беқиёс экани мутахассислар томонидан исботланган.

Мактабнинг бадиий гимнастика тўғрисида 166 қиз аъзо. Тўғрака кизлар тўрт ёшдан қабул қилинади. Азиза Мансурова, Лазиза Саъдуллаева, Зарина Убайдуллаева, Розалия Салимжонова, Виктория Хван,

Юлдуз Мирзаева, Сожида Маъмуржонова, Зухра Фафурова каби гимнастикачи кизлар турли мусобақаларда ўз маҳоратини намойён этиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Спортга меҳр қўйган бу кизларнинг ҳаммаси ҳам келажакда чемпион бўлмаслиги мумкин. Аммо ҳозирдан тани соғлом, руҳи тетик, фикри тиник, иродаси мустаҳкам бўлиб ўлғайтир.

Ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилиш, машғулотларга қатнаётган болаларнинг қизиқиш ва маҳоратини янада ошириш мақсадида турли мусобақалар, профессионал спортчилар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Мактабда тарбияланаётган болалар қатор спорт турлари бўйича мамлакат миқёсидаги мусобақаларда совринли ўринларни эгалламоқда. Айниқса, таэквондо (WTF) тўғрисида қатнаётган ёш спортчилар эришадиган натижалар таҳсинга лойик.

— Дилга туккан орзуларим, кўзлаган мақсадларим кўп, — дейди таэквондочки Наима Амиркулова. — Спорт билан мунтазам шугулланиб, чемпион бўлиш, жаҳон ареналарида Ватанимиз шавъини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман. Бу мақсадимга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламан. Чунки юртимизда ёшларнинг орзусини рўйбга чиқариш учун барча имкониятлар яратилган.

Жавохир ТОШХҲАЕВ
(ЎЗА)

кўзгатилиб, ички ишлар ходимлари томонидан тергов иши олиб борилмоқда.

● Миробод туманидан тушган хабарга кўра, Сергели-4 даҳасидаги «Файз» мебель дўкони олдида 1979 йилда туғилган, Сергели туманида яшовчи Ўткир Раҳимов таниши 1985 йилда туғилган, ишлайдиган Тошкент вилоятида яшовчи Жасур Файзулғаева 230.000 сўм эвазига 2,52 гр. марихуана гиёҳванд моддасини сотаётган вақтида, шу атрофда кузатув тезкор тадбирларини олиб бораётган тезкор ходимлар томонидан аниқланиб, ушланган.

● Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Салом» ресторани олдида 1968 йилда туғилган, Ҳамза туманида яшовчи Равшан Раҳматов таниши — Олмазор туманида яшовчи Мурод Ботировга 1,45 гр. гашиш гиёҳванд моддасини сотаётган вақтида тезкор ходимлар томонидан кузатув пайтида аниқланиб, ушланди.

● Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ички ишлар ходимлари томонидан тергов иши олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси матбуот хизмати хабарлари асосида Зарина РУСТАМОВА тайёрлади

«Ёз — 2014»

СОҒЛОМ БОЛА — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат натижасида ҳар бир болага меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда, уларнинг ҳар тарафлама баркамол бўлиб ўлгайишлари, тўла-тўқис таълим-тарбия олишлари, ўз қизиқишларига мос касб-хунар эгаллашлари, олий ўқув юртларида ўқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Бугуни кунда болалар оромгоҳлари фақатгина жисмоний соғломлаштириш эмас, балки ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятини юксалтирувчи, интеллектуал салоҳиятини ривожлантирувчи маскан сифатида фаолият юритмоқда.

Жорий йилги мавсум қизгин давом этаётган айни кунларда Ўзбекистон касаса уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан болажонлар мириқиб дам олаётган барча оромгоҳларда улар онгига мустақиллик йилларида турли соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, ёш авлод камолоти йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини сингдириш мақсадида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мукассам этган маданий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар, болалар акциялари ташкил этилмоқда.

Тошкент вилоятининг ҳушманзара Чимён қишлоғида жойлашган «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўтказилган «Касаса уюшмалари — болаларга» акцияси ҳам шундай тадбирлардан биридир. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур акция доирасида болажонлар қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини юксалтириш мақсадида оромгоҳлараро спартакиада мусобақалари ташкил этилди. Мусобақада Чимён ҳудудидида жойлашган «Гагарин», «Конструктор», «Чотқол», «Сокол», «Белдерсой» ва «Кўёшли» оромгоҳларида дам олаётган 200 нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди. Мазкур спартакиадада иштирок этган ҳар бир болажонлар ўзлари дам олаётган оромгоҳларда ўтказилган кўйи босқичларда энг яхши натижаларга эришиб, қучилар мусобақасига йўланмани қўлга киритишган.

Спартакиадада қатнашчилар спортнинг 8 тури — минифутбол, волейбол, сузш, стол тенниси, шахмат, шашка, енгил атлетика ва аркон тортиш бўйича ўзаро куч синашди.

— Соғлом бола йилида болаларни оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари сифати янада ошди, — дейди Ўзбекистон касаса уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова. — Яқинлашиб келаётган Энг улуг, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан Кенгаш томонидан барча оромгоҳларда маданий-маърифий тадбирлар, «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Касаса уюшмалари — болаларга», «Ўзбекистон бахтиёр болалар мамлакатини» номли акциялар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. «Кўёшли» оромгоҳида ташкил этилган мазкур спартакиада мусобақаларида иштирок этган болажонларнинг шодон чехралари, улардаги иштиёқ, фақат олдинга қараб интилиш Ўзбекистонда ёш авлод камолотида қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир.

— Ҳар мавсум давомида 400 нафарга яқин бола соғломлаштирилаётган Ўзбекистон касаса уюшмалари Федерацияси Кенгаши тасаруфидида «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида болажонларнинг жисмонан чиниқилиши, маънан камол топишлари ва ўз билимларини мустаҳкамлашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Йўлчиёв Раҳимжон. — Катта китоб захирасига эга бўлган кутубхона, Интернет тармоғига уланган компьютер, вокал хоналари, хореография зали, очик ва ёпиқ спорт майдончалари, энг замонавий услубларда барпо этилган ложувард сузш хавзаси, шимам ётоқхоналар, мазали ва дармондориларга бой таомлар тайёрланаётган ошхона болажонларнинг мириқиб хордик чиқаришларига хизмат қилмоқда. Масканда фаолияти йўлга қўйилган 6 та тўғрақларда ўғил-қизлар табиат қучоғидаги ноанъанавий машғулотлар билан қамраб олинмоқда. «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 520 нафар иктидорли, 100 нафарга яқин жисмоний имконияти кечканган болалар, SOS болалар шаҳарчаси ва Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари бепул соғломлаштирилди.

— Сузш бўйича 8 йилдан бери шугулланиб келаман, — дейди «Кўёшли» болалар соғломлаштириш оромгоҳи дам олувчиси, спартакиадада сузш бўйича 1-ўрин соҳибаси Севара Усмани. — Бу ўз самарасини бериб, ушбу мусобақада голиб чиқдим. Оромгоҳдаги компьютер саводхонлиги ва хордикий тиллар тўғрисида қатнашиб, вақтни мазмунли ўтказмоқдамиз.

— Ёз фаслини интиқиб кутаман, — дейди «Конструктор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи дам олувчиси, Юнусобод туманидаги 246-умумтаълим мактаб ўқувчиси Камолла Тошходжаева. — Сўлим ва баҳаҳо оромгоҳида дам олиш жуда мароқли. «Конструктор» оромгоҳида «Мохир қўллар» тўғрисида қатнашиб келмоқдаман. Оромгоҳда яратилган шарт-шароитлар жуда яхши. Ўтказилган спартакиадада спортнинг волейбол тури бўйича ўз жамоамиз билан иштирок этдик.

Натижаларга кўра умумжамоа ҳисобида 1-ўрин «Кўёшли», 2-ўрин «Белдерсой», 3-ўрин «Конструктор» жамоаларига насиб этди. Юқори натижаларни қўлга киритган ёш спортчилар диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА



ража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 7 ва 8 август

Тошкент шаҳрида эрталаб Тошкент шаҳ-7 август кун ҳаво ўзга-риб туради, егингарчилик шаҳар ҳаво муҳитида за-бўлмайди. Шарқдан се-рарли моддаларнинг бир кундида 3-8 метр тез-ликда шомол эсади. яратлади. Ифлосланиш Ҳарорат кечаси — 18-20, кундида — 37-39 да-ди.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 855

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6527 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Босмаҳонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14.10